# ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ РАВНАҚИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Эгамова Шохида Джалиловна**
*Низомий номидаги ТДПУ доценти, ф.ф.н.*
**Суханбердиева Ситора Санжар қизи**
*Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши талабаси*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада эски ўзбек адабий тилининг равнақига ўзининг беназир хизматини қўшган Алишер Навоий асарларининг тили ва услуби хусусида сўз боради. Унинг нодир асари саналмиш “Муҳокаматул-луғатайн” ва унда берилган 100 (99) та феълнинг ДТСга қиёсланган ҳолдаги таҳлили келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *Алишер Навоий, қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек адабий тили, миллий тил, форсча-тожикча сўзлар, арабча сўзлар, турк, чиғатой лафзи, ДТС.*

Бизга маълумки, қадимги туркий тилда араб ва форс-тожик тилларининг таъсири деярли бўлмаган. VIII аср ярмидан эътиборан Марказий Осиё, хусусан, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хуросонда кечган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, диний жараёнлар таъсирида эски туркий ва унинг давомчиси эски ўзбек адабий тилида ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, эски ўзбек адабий тили манбаларида форсча-тожикча ва арабча изофалар кенг қўлланган. Ваҳоланки, қадимги туркий тилда улар бутунлай қайд этилмайди, эски туркий тилда эса уларнинг ададИ анча кам бўлган[41]. Эски ўзбек адабий тили ўзбек халқи томонидан яратилган умумхалқ миллий тилининг сайқалланган, меъёрланган шакли бўлиб, унинг такомиллашувида юқори лисоний маданиятга эга шахслар, яъни давлат арбоблари, мутафаккирлар, файласуфлар улкан меҳнат қилган дейиш мумкин. Айниқса, эски ўзбек адабий тили ва унга оид меъёрларнинг шаклланишида бадиий ижод вакиллари –шоир ва ёзувчиларнинг роли беқиёсдир. Миллий тилнинг олий шакли бўлмиш ва миллий тил таркибидан ўрин олган эски ўзбек адабий тилининг том маънодаги адабий тилга айланишида, унинг ўрта асрлар Шарқ халқлари дунёсида юқори мавқедаги араб ва форс-тожик тиллари даражасига кўтарилишида, унда ҳам ажойиб ғазаллар битиш, “Хамса” таълиф этиш, илмий асарлар яратиш, фалсафий мушоҳадалар юритиш мумкинлигини рўй-рост кўрсатишда буюк Алишер Навоийнинг беқиёс шижоати, фидокорона меҳнати, миллатпарварлиги, халқсеварлиги, қолаверса, у кишига Яратган томонидан берилган ноёб истеъдод ётибди.

---

[41] Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1973.-Б.253; Юсупов М. Типы изафетных конструкций в произвидениях Алишера Навои: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1984. -20 б.

Туркийшуносликда туркий ва эроний тилларни чоғиштиришдек долзарб масалага биринчи бўлиб қўл урган ва XV аср шароитида чоғиштирма тилшуносликнинг ва методнинг “Муҳокаматул-луғатайн”дек нодир намунасини яратишга муваффақ бўлган[42] Навоий бутун онгли ҳаётини турк (ўзбек) тилининг камолотини кўз-кўз қилишга бағишлади. Ўлмас назмий ва насрий асарларини, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъбирича, “қалам била рост” бўлган Андижон эли лафзи[2]да бунёд этган шоир она (турк, чиғатой лафзи) тилини бебаҳо хазина, чаманзор ҳисоблаган, уни бегоналарнинг оёғи етишидан ва ётларнинг қўли тегишидан сақлашни мақсад қилиб қўйган.

Нафақат гениал шоир, шунингдек, забардаст олим ҳисобланмиш Навоий она тили қурилишидан тўла хабардор бўлган, айниқса унинг луғат бойлигини мукаммал эгаллаган. Навоий эски ўзбек адабий тили сўз хазинасининг асосини ташкил этувчи асл туркий сўзлар маъно нозикликларини яхши фарқлаган, уларни асарлари ичига олиб кирган, матн таркибидаги бадиий-эстетик ўрнини очиб берган.

Навоий “Муҳокаматул-луғатайн”да эски ўзбек адабий тилининг чексиз имкониятларини кўрсатиш мақсадида келтирган юзта феълнинг 60 таси қадимги туркий тил ва эски туркий тилда қўлланишда бўлган. Қуйидаги жадвалда “Муҳокаматул-луғатайн”нинг Тошкент ва Анқара нашрларидаги юзта (99) феъл ДТС га қиёсланган тарзда ўз ифодасини топган.

| **№** | **Муҳокаматул-луғатайн** | **Muhakemetül-luïateyn** | **ДТС** | **Маъноси** |
|---|---|---|---|---|
| 1. | қувармақ | kuvarmak | quvar= | “сўлмоқ, қуримоқ” |
| 2. | қуруқшамақ | kurukûamak | quruγšï= | “қурушмоқ, қуриб қолмоқ” |
| 3. | ўшäрмäк | üûermek | - | “мажбур этмоқ” |
| 4. | жыйжаймақ | çıçaymak | - | “ташқарига чиқмоқ” |
| 5. | öңдäймäк | öngdeymek | öŋäd= | “тузалмоқ, шифо топмоқ” |
| 6. | чэкримäк | çigreymek | - | “уйқу(си) қочмоқ” “уйқусизликка йўлиқмоқ” |
| 7. | домсаймақ | dumsaymak | - | “тўмсаймоқ” |
| 8. | уманмақ | umunmak | umun= | “истамоқ, орзу қилмоқ” |
| 9. | осанмақ | osanmak | usan= | “лоқайд бўлмоқ” |

[42] Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. I-қисм. –Тошкент, 2000. -Б.84-85; Нафасов Т. Алишер Навоий-қиёсий тилшунослик асосчиси // Улуғ Алишер Навоий. –Қарши, 2000. -Б.14-15.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 10. | игирмäк | igirmek | egir= | “йигирмоқ, эшмоқ” |
| 11. | эгäрмäк | igermek | egir= | “ўрамоқ,қуршамоқ; таъқиб этмоқ” |
| 12. | охранмäк | ohranmek | oqra= | “кишнамоқ” |
| 13. | торықмақ | tarıkmak | tarïq= | “ўлмоқ, жони узилмоқ” |
| 14. | алдамақ | aldamak | alda= | “алдамоқ” |
| 15. | арғадамақ | arïadamak | - | “пистирма қўймоқ, алдамоқ” |
| 16. | ишäнмäк | iûenmek | ïnan= | “ишонмоқ, инонмоқ” |
| 17. | иглäнмäк | iglenmek | iglän= | “касалланмоқ” |
| 18. | айланмақ | aylanmak | - | “айланмоқ,кезмоқ” |
| 19. | эрикмäк | irikmek | erik= | “ҳаёлга чўммоқ” |
| 20. | игрäнмäк | igrenmek | eŋrän= | “инграмоқ, йиғламоқ” |
| 21. | авунмақ | avunmak | avïn= | “овунмоқ, тасалли топмоқ,шодланмоқ” |
| 22. | қыстамақ | kıstamak | qïs= | “қистамоқ, мажбур қилмоқ” |
| 23. | қыйнамақ | kınamak | qïna= | “қийнамоқ, азобламоқ” |
| 24. | қозғалмақ | kozïalmak | - | “қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ” |
| 25. | саврулмақ | savrulmak | savrul= | “соврулмоқ, сочилмоқ” |
| 26. | чайқалмақ | çaykalmak | - | “чайқалмоқ” |
| 27. | дэвдашымақ | divdeûimek | - | “ҳаракат қилмоқ” |
| 28. | қыйманмақ | kımsanmak | - | “ўта орзуламоқ, жуда хоҳламоқ” |
| 29. | қызғанмақ | kızïanmak | qïzγan=, qïsγan= | “қизғанмоқ, бахиллик қилмоқ”; “рашк қилмоқ” |
| 30. | никäмäк | nikemek | - | “қувмоқ, таъқиб этмоқ” |
| 31. | сыйланмақ | sılanmak | sïla=(ҚР) | “ўзини ўзи силамоқ, сийпамоқ” |
| 32. | танламақ | tanlamak | - | “танламоқ” |
| 33. | қымырдамақ | kımırdamak | - | “қимирламоқ” |
| 34. | сэрпмäк | sirpmek | - | “сочмоқ; ёғмоқ(ёмғир) |
| 35. | сирмäмäк | sirmemek | sarmal= | “ажратилмоқ, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ажратиб олинмоқ” |
| 36. | гäнäргäмäк | kenergemek | - | “очмоқ, ёймоқ, тўшамоқ” |
| 37. | сығрықмақ | siïrıkmak | sïγur= | “сиғдирмоқ, жойламоқ” |
| 38. | сығынмақ | siïınmak | sïγin= | “сиғинмоқ” |
| 39. | қылымақ | kılımak | qïl= | “қилмоқ, бажармоқ” |
| 40. | йалынмақ | yalınmak | yalïn= | “ялинмоқ,ёлвормоқ” |
| 41. | муңланмақ | munglanmak | muŋad=, muŋγad= | “мунгланмоқ, маъюсланмоқ, қайғуга чўммоқ” |
| 42. | индäмäк | indemek | ündä= | “ундамоқ, чақирмоқ” |
| 43. | тэргäмäк | tirgemek | tirä= | 1.“тирамоқ, таямоқ” 2.”тергамоқ, савол бермоқ” |
| 44. | тэврäмäк | tivremek | - | “ботмоқ, санчилмоқ, сўқулмоқ” |
| 45. | қыңғаймақ | kıngïaymak | - | “саркашлик қилмоқ” |
| 46. | шығалдамақ | ûaïaldamak | šaγïla= | “шақилламоқ; эзма-ланмоқ” |
| 47. | сыңрамақ | singremek | sïŋïla= | “оҳиста йиғламоқ” |
| 47. | йашқамақ | yaûkamak | jasta= | “қўймоқ, ястамоқ” |
| 48. | ысқармақ | ıskarmak | - | “хотирламоқ, қабул этмоқ” |
| 50. | көңрäнмäк | küngrenmek | küŋrän= | “минғирламоқ, алжирамоқ; валдирамоқ” |
| 51. | сухранмақ | sohranmak | - | “пичирламоқ” |
| 52. | сыйпамақ | sıpamak | sïfa=(ҚР) | “силамоқ, сийпамоқ” |
| 53. | қараламақ | karalamak | qarala= qara= | “булғамоқ, ифлослантирмоқ” “қарамоқ, боқмоқ” |
| 54. | сўркäнмақ | sürkenmek | sürt= | “суртмоқ,сурканмоқ” |
| 55. | кўймäнмäк | küymenmek | küjvän= | “кучсизланмоқ; баҳона қилмоқ” |
| 56. | иңрäнмақ | ıngranmak | eŋrän= | “йиғламоқ, ингра-моқ, нола қилмоқ” |
| 57. | төшалмäк | töûelmek | töšäl= | “тўшалмоқ, ёзил-моқ; солинмоқ” |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 58. | мунғаймақ | munïaymak | muŋad=, muŋγad= | “маъюсланмоқ, ғам тортмоқ” |
| 59. | танчықамақ | tançkamak | tanči=, tïnči= | “бузулмоқ” |
| 60. | танчықалмақ | tançkalmak | tančγala= | “пора-пора, майда-майда қилмоқ” |
| 61. | кӧрӳксӓмӓк | körüksemek | körügsä= | “кўришни истамоқ” |
| 62. | бушурғанмақ | buûurïanmak | bušurγan= | “хавотирланмоқ, ғамга ботмоқ” |
| 63. | бохсамақ | bohsamak | - | “бўғилиб йиғламоқ, бўкириб йиғламоқ” |
| 64. | киркинмӓк | kerkinmek | - | “титрамоқ, иситма-ламоқ” |
| 65. | сӳкӓдӓмӓк | sögedemek | - | “ҳурмат кўрсатмоқ, тиз чўкмоқ” |
| 66. | бусмақ | busmak | pus=, bus= | “писмоқ,беркинмоқ; пистирма қўймоқ” |
| 67. | бӳрмӓк | bürmek | bür= | “букмоқ” |
| 68. | тӳрмӓк | türmek | tür= | “қат-қат қилмоқ, қатламоқ, ўрамоқ” |
| 69. | қаҳамақ | kahamak | - | “қуршамоқ, муҳосара қилмоқ” |
| 70. | сыпқармақ | sıpkarmak | - | “сипқормоқ, даст кўтариб ичмоқ” |
| 71. | чичӓркӓмӓк | çiçergemek | - | “мақтанмоқ, ғурурланмоқ” |
| 72. | ж(ч)ӳркӓнмӓк | çürgenmek | - | “ёнмоқ, оловланмоқ” |
| 73. | ӧртӓнмӓк | örtenmek | örtän= | “ёнмоқ, куймоқ” |
| 74. | сызғурмақ | sızïurmak | sïzγur= | “эритмоқ;сездирмоқ” |
| 75. | гӳрпӓклӓшмӓк | körpekleûmek | - | “осонлашмоқ, енгил-лашмоқ” |
| 76. | чупрутмақ | çubrutmak | - | “олдиндан тўлаб қўймоқ” |
| 77. | жырғамақ | cırïamak | - | “лаззатланмоқ, хушланмоқ” |
| 78. | бычымақ | bıçımak | bïč=; bïčïl= | “кесмоқ, ўрмоқ; кесилмоқ” |
| 79. | қықзанмақ | kıngranmak (kıngraymak) | - | “азобланмоқ, хафа бўлмоқ” |
| 80. | сингӳрмӓк | singürmek | siŋir=, siŋür= | “сингдирмоқ, ҳазм қилмоқ” |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 81. | кӱндäлäтмäк | kündeletmek | - | “қамоқхонага жой-ламоқ, қамамоқ” |
| 82. | kӱ(ö)мӱрмäк | k/gömürmek | kemür= | “кемирмоқ” |
| 83. | йигирмäк | yik/girmek | - | “жирканмоқ, ижир-ғанмоқ, ирганмоқ” |
| 84. | кöӊӱрдäмäк | küngürdemek | köŋrän= | “минғирламоқ, ғинг-шимоқ” |
| 85. | кинäркäмäк | kenergemek (kinergemek) | - | “тўшамоқ, ёзмоқ, ёймоқ” |
| 86. | кэзäрмäк | kizermek | - | 1.“очлик ҳис этмоқ”; 2.“қурумоқ; ёрилмоқ (лаб)” |
| 87. | доптулмақ | doptulmak | - | “ҳамла, ҳужум қил-моқ” |
| 88. | чыдамақ | çıdamak | - | “сабр этмоқ, чида-моқ” |
| 89. | тӱ(ö)змäк | tö(ü)zmek | töz= | “чидамоқ, сабр қил-моқ” |
| 90. | қазғанмақ | kazïanmak | qazγan= | “қозонмоқ, қўлга ки-ритмоқ” |
| 91. | қычықламақ | kıçıglamak | qïčïla= | “қитиқламоқ” |
| 92. | <u>гäнгирамақ</u> | kengsiremek | - | “гангирамоқ” |
| 93. | йадамақ | yadamak | - | “ҳолсизланмоқ, кучдан қолмоқ” |
| 94. | қадамақ | kadamak | - | “қадамоқ, маҳкамла-моқ” |
| 95. | чықанмақ | çıkanmak | čïγïrla= | “янчмоқ, ясамоқ, тепмоқ” |
| 96. | кöндӱрмäк | köndürmek | köndür= | “тўғриламоқ, жўнат-моқ, юбормоқ” |
| 97. | сöндӱрмäк | söndürmek | söntür= | “ўчирмоқ,сўндир-моқ, тўхтатмоқ” |
| 98. | суқлатмақ | suklatmak | soqlan= | “суқланмоқ, хирс-ланмоқ” |
| 99. | тамшымақ[43] | tamûımak | tam= “томмоқ, томчиламоқ” | оз-оз ичмоқ, томчи-лаб ичмоқ” |

Қолган 39 та феълнинг 8 таси (*арғадамақ, никäмäк, сўкäдäмäк, қаҳамақ, чупрутмақ, доптулмақ, чыдамақ, қадамақ*) мўғул тилига оид бўлса, 31 таси эса, эски ўзбек адабий тилига хос феъллар ҳисобланади.

[43] Қаранг: Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Ўн тўртинчи том. -Тошкент, 1967. -Б.108.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги ўзбек тили лексикаси мураккаб ва ранг-баранг ҳодиса заминида шаклланган. Унинг шаклланиш ва тараққий этиш босқичлари ўзбек халқининг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Муттасил ўзгаришларни бошидан кечирган ўзбек тили лексикаси узоқ муддатли тарихий тараққиёт самараси ҳисобланади. Асосини асл сўзларнинг ташкил қилиши ўзбек тилига оид хосликни, миллий менталитетни, бойликни, кенгайиш манбаларини, луғат тизимидаги специфик жиҳатни белгилаши билан характерланади. Ўзбек тили лексикаси босиб ўтган турфа йўл ва жараёнларни илмий асосда таҳлил этиш, табиий, тарихий лексикология олдида турган муҳим вазифадир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил. -Тошкент: Ўқитувчи, 1982. -157б.
2. Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1973. -316 б.
3. Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. -Тошкент: Ўқитувчи, 1982. -168 б.
4. Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. -Тошкент: Фан, 1984. -159 б.
5. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Ўн тўртинчи том. -Тошкент, 1967.
6. Нафасов Т. Алишер Навоий-қиёсий тилшунослик асосчиси // Улуғ Алишер Навоий. –Қарши, 2000.
7. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. I-қисм. –Тошкент, 2000.
8. Юсупов М. Типы изафетных конструкций в произвидениях Алишера Навои: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1984. -20 б.